


ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

1 ноябрь кун Ислам Каримов Президентини "Дановант энтерпрайз" компанияси раиси В. Б. Дановант раҳбарлигидаги ишбилармонлар делегациясини қабул қилди.



Суратда: "Дановант энтерпрайз" делегациясини қабул пайти. Р. Нуритдинов (ЎзА) сурати.

Ўзбекистон Президентини "Дановант энтерпрайз" компанияси жаҳон пахта бозорида ортирган тажрибаси билан машғурлигини таъкидлаб, компаниянинг "оқ олтин" етиштирувчи Ўзбекистон билан ҳамкорлик қилиши ҳар икки томон учун ҳам фойдали бўлишини айтиди.

Жаноб В. Дановант самимий қабул ва Ўзбекистон заминиде қўрсатилган меҳмондўстлик учун миннатдорлик изҳор этар экан, мамлакатда ишбилармонларга яратилган шарт-шароитлар, айниқса, барқарорлик самарали ҳамкорлик учун қулай имкониятлар яратилишини қайд этди.

ХДПНИНГ II ҚУРУЛТОЙИ

1 ноябрь кун Тошкентда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдан ташқари II қурултойи бўлди. Унинг ишида партиянинг жойлардаги ташкилотларидан сайланган 280 делегат ҳамда меҳмонлар қатнашди.

Маълумки, Халқ демократик партияси 1991 йилнинг худди шу кунини тузилган эди. Ҳозир унинг сафида 374535 нафар аъзо бор.

ХДП Марказий Кенгаши биринчи котиби А. Жалолов партия ташкилотининг 3 йил ўтиши муносабати билан мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовнинг қурултой қатнашчиларига, шунингдек, партиянинг барча аъзоларига билдирган самимий тиллашларини етказди.

Қурултойда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига бўладиган сайловлар тўғрисидаги масала ва Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг навбатдаги вазифалари муҳокама этилди. Партия кенгашнинг биринчи котиби Абдулҳафиз Жалоловнинг ана шу ҳақдаги маърузаси тингланди.

Маърузачи ва сўзга чиққанлар таъкидлаганидек, мамлакатимизда ўтажак сайловларга ҳоризий давлатлар, нуфузли халқаро ташкилотлар катта қизиқиш билдирмоқда. Жаҳонда Ўзбекистон талланган ўзига хос тараккият йўли, унинг истиқлол куч бахш этган далай оидимлари, ривожланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш борасидаги муваффақиятли сий-ҳаракатларини қўллаб-қувватловчи хайрихоҳ дўстларимиз кўп. Аммо, шунинг баробарида қилаётган ишларимиз, ислохотларимиз самаралари, сиёсий тузумимизни ноҳолис баҳолаб, четдан тош отаётган муҳолифларимиз ҳам йўқ эмас. Бўлажак сайловларнинг муваффақияти — минтақамизда оқсоғишталлини таъминлашга, халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва биродарлик ришталарини мустаҳкамлашга, шарқу гарб мамлакатлари ўртасида Ўзбекистонимиз нуфузини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу эса ҳокимликлар ва бошқарув органлари, сиёсий партиялар, сайлов комиссиялари, қолаверса, ҳар бир сайловчи эътиборига катта масъулият юклайди.

Делегатлар Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сайловчи сиёсий дастурини қабул қилди. Республика Олий Мажлиси депутатлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг кўрсатилган номзодлар рўйхати тасдиқланди.

Қурултойда партия низомига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди.

Қурултойда республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий Ижроия Қўмитасининг аъзоси Исмоил Жўрабеков сўзга чиқди.

Қурултой ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов, республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Хайрулла Жўраев, Бош вазир ўринбосари Бахтиер Ҳамидов ва Тошкент шаҳри ҳокими Қозим Тўлағонов иштирок этди.

Қурултой ишида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Эркин Халилов, республика Президентининг Давлат маслаҳатчилари Темур Алимов, Хайрулла Жўраев, Бош вазир ўринбосари Бахтиер Ҳамидов ва Тошкент шаҳри ҳокими Қозим Тўлағонов иштирок этди.

МАЖБУРИЙ ЧОРА

В. П. Соколов, "Тошхазарийулочитранс" Давлат уюшмаси раисининг ўринбосари: — Кейинги пайтларда энергия, ёнгли, ҳаракат состави, уларга эҳтиёт қисмларга нархнинг кескин равишда ошганлиги муносабати билан транспорт корхоналари — автомобиль саройлари, трамвай ва троллейбус деполари, метрополитен учун сарфланган ҳаражатлар ҳажми кўтарилди. Ана шу сарф-харажатлар республика бюджетидан қопланмоқда. Лекин дотациялар ҳажми кун сайин ошмоқда бўлмоқда. Унинг ана шундай юксак даражада ошиши бюджетда кўзда тутилмаган эди. Ана шу сабабли "Тошхазарийулочитранс" Давлат уюшмаси мажбурий чорани кўришга — 1 ноябрдан бошлаб йил ҳақи учун тўланадиган тариф ҳақини бир сўнга оширишга мажбур бўлди.

МАҚСАД — АЛОҚАЛАРНИ МУСТАҲКАМЛАШ

Ўзбекистон Республикаси уюшмалари Федерацияси тақдирини бинао республикамизга Франция (УМК) умумий меҳнат конфедерациясининг котиби Морис Ламот ҳамда Лангедок — Руссийон департаменти УМКнинг котиби Жорж Атьеллар таъриф буюришди. Улар республикамизнинг диққатга сазовор жойларини, жумладан Самарқанд шаҳрининг қадимий обидаларини томоша қилишди, шайримиздаги айрим корхоналар фаолияти билан танишишди. Франциялик меҳмонлар халқаро маданий маърифий алоқалар миллий ассоциациясида ҳам бўлишди. Ассоциация раисининг ўринбосари Шахло Махмудова уларга жаҳон мамлакатлари билан халқаро алоқаларни мустаҳкамлаш ишида ассоциациянинг ҳиссаси ҳамда Франция билан ўрнатилган муносабатлар ҳусусида гапириб берди.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКДА

Кун кеча республика Архитекторлар уюшмасида Ўзбекистон Фан ва техника давлат комитети вакиллари, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги маданият ёдгорликларини сақлаш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси, Ўзбекистон лойҳалаштириш илмий тадқиқот-таъриб институтини вакиллари билан Германиянинг "ИДНДР" — ҳалокатларнинг олдин олши комитети директори вазифасини бажарувчи жаноб Айненберг бошчилигидаги гуруҳ иштирокда маданий ёдгорликларни сақлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

БИЛҲАЯРДА ҲАМ БИРИНЧИ

Бильярд ҳам спорт тури ҳисобланганини кўпчилик билмас керак. Тўғри, бу ўйин унчалик кенг оммашмаган, лекин яқин келажакда ушбу спорт тури катта нуфузга эришса ажаб эмас.

ҚИЗҒИН ПАЛЛАГА КИРДИ

Тўққизинчи қўшниқ "Оқшом" газеталарига эътибор қилиш борлигини баён этди. Бу гапда бу йил қайси ташкилот "Тошкент оқшом" ва "Вечерний Тошкент" газеталарига қанча эътибор қилишга қарайди, бунда албатта йилгиларнинг тақдирини баён қилиш зарур.

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

31 октябрь кун Исроил Давлатининг Ўзбекистондаги Факултетида ва мухтор элчиси этиб тайинланган Моше Гец мамлакатимиз Президентини Ислам Каримовга ишонч ёрлигини топширди.

Исроил Давлати катта иқтисодий имкониятларга эга бўлган Ўзбекистонда босқичма-босқич амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашни таъкидлаб экан, унинг муваффақияти дунёда, жумладан, Марказий Осиёда тинчлик ва оқсоғишталли карор топишда муҳим аҳамиятга эгалигини айтиди. Ўзбекистон олиб бораётган кўп томонлама ва оқсоғишталли мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий алоқалар ривожига омил бўлишини қайд этди.

Исроил Давлати Моше Гецни масъулияти ва шарофати лавозимига тайинлашни билан қутлар экан, Ўзбекистон Исроилнинг қувватлашни таъкидлади.

Ўзбекистон Президентини элчи орқали Иордания Хошимийлар подшоҳига, Валиахд ало ҳазратларига ва бутун Иордания халқига кизгин салом ва эзгу тилаклари йўллади. Элчининг хайрли ишида муваффақият тилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИГА БЕРИЛАДИГАН КОМПЕНСАЦИЯ ТЎЛОВЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Истеъмол товарлари ва хизматларнинг бозор нархларини шакллантириш шартларида аҳоли турмуш даражасини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. 1994 йилнинг 1 ноябрдан Ўзбекистон Республикаси аҳолисига берилмаган амалдаги ҳар ойлик компенсация тўловлари 1,5 баравар — 100 сўмдан 150 сўмга кўпайтирилсин.

2. Кўрсатилган компенсацияларни тўлашнинг амалдаги тартиби ва шартлари сақлаб қолинсин.

3. Белгиланган қўйилсинки, ҳўжалик ҳисобидеги корхоналар ва ташкилотларга компенсациялар миқдори (150 сўм)нинг 50 фоизи Республика бюджет ҳисобидан қопланади, даромад солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китоблар чоғида ана шу миқдор истисно қилинади.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги учун муддатда мажкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиришларни компенсациялар тўлашнинг тартиб-тартибига киритсин ва уларни вазирликлар, идоралар, концернлар, корпорациялар, уюшмалар, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлигига етказсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 31 августдаги Фармони билан 1 ва 6-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мажкур Фармоннинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига юқлансин.

ЎЗАРО ҲАМКОРЛИКДА

Кун кеча республика Архитекторлар уюшмасида Ўзбекистон Фан ва техника давлат комитети вакиллари, Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазирлиги маданият ёдгорликларини сақлаш илмий-ишлаб чиқариш бош бошқармаси, Ўзбекистон лойҳалаштириш илмий тадқиқот-таъриб институтини вакиллари билан Германиянинг "ИДНДР" — ҳалокатларнинг олдин олши комитети директори вазифасини бажарувчи жаноб Айненберг бошчилигидаги гуруҳ иштирокда маданий ёдгорликларни сақлаш масалаларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 31 октябрь, Тошкент шаҳри, 1994 йил 31 октябрь.

Ўзбекистон Республикасининг Президентини Ислам Каримов Бухоро ва Наманган вилоятлари пахтакорлари, қишлоқ ҳўжалик ҳодимлари ва барча меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси — пахта тайерлаш режаси бажарилганлиги билан самимий табриклади.

Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримов номига Америка-Ўзбекистон савдо палатасининг президенти Николас М. Никазмерад, Япония қишлоқ, ўрмон ва балик ҳўжалиги молия корпорацияси бошқарувчисининг ўринбосари Тадо Чинодан мактублар олинди.

Андижон биокимё заводининг йилга 1 миллион декалитр этил спирти ишлаб чиқарадиган биринчи навбати ишга тушди.

"Ватан тараққиёти" партиясининг Тошкентда бўлиб ўтган навбатдан ташқари иккинчи қурултойида партиянинг доллар вазибалари ва сайловолди дастури муҳокама этилди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлигига номзодлар кўрсатилди.

Уч кун аввал Тошкентнинг Мустақиллик майдонида ўз сафарини бошлаган мамлакатимиз уруш ва меҳнат фахрийлари, адиблар, жамоат арбоблари, АҚШ, Буюк Британия, Франция, Россия ва Украинанинг Ўзбекистондаги элчихоналари вакилларидан иборат Тинчлик сафари қатнашчилари бүгун Фаргона водийсига етиб келадилар ва "Мангулик боғи"га асос солидилар. Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган бу Тинчлик сафари республика Фахрийлар кенгаши, Миллий ва ижтимоий барқарорлик ҳамда "Наврўз" жамғармалари ташаббуси билан ўтказилмоқда.

ҲАМДЎСТЛИКДА

Тожикистон пойтахти — Душанбенинг 70 йиллиги тантанали нишонланди.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби Бутрос Голдиннинг Кавазотти республикаларига сафари давом этмоқда. У Ўзбекистондан душанба кунини Тбилисига келди. Грузиядан кейин эса Арманистонга боради.

Кечадан эътиборан Украинада шаҳар транспортда кира ҳақи 10 баробардан эъдега, ғўшт эса 5-7 мартага ортди. Қатор хизматлар турлари нархи ҳам ошди.

Яқиндагина қамқондан бўшатишган, лекин ҳали унга нисбатан тергов ҳаракатлари давом этаётган "МММ" акциядорлик жамиятининг президенти Сергей Мазадов Москвадаги Миштинский сайлов округидан Россия парламентининг кўйи палатаси — Давлат думасига депутат этиб сайланди. У кўп жиҳатдан бу туман ободончилигига ўз ҳисобидан 10 миллион АҚШ доллари сарфлашни ваъда қилганлиги сабабли кўплаб рақибларига қараганда анча кўп — сайловчиларнинг қарийб 30 фоизи овозини олишга муваффақ бўлди.

Ўтган шабба кунини Иркутск шаҳридан 620 километр шимолроқда фалокатга учраган АН-12 транспорт самолётида бўлган 21 киши — экипажнинг 7 аъзоси ва 14 йўловчининг жасадни топилиди. Айни пайтда 30 октябрда Златоуст шаҳри ақинида ғўйиб бўлган МИ-2 вертолётни ҳалигача топилмади. Унда экипаж аъзолари, еттига йўловчилардан ташқари мажкур юк — олтин ҳам бор эди.

Тергов муассасалари маълумотларига кўра 1994 йилда бир гуруҳ жиноятчилар 5 миллилард Россия рубли миқдорда қалбаки пул чоп этиб, тарқатишган. Бу жиноий иш бўйича ҳозиргача 25 киши ҳибсга олинган.

ХОРИЖДА

Люксембургда бўлиб ўтган Европа иқтисодий иттифоқининг ташқи ишлар вазирлари қатнашган мажлисида бу ҳамжамиятга Шарқий Европанинг 6 та давлати — Венгрия, Польша, Чехия, Словакия, Руминия ва Болгарияни қабул қилишга келишиб олинди. Аммо бу ҳақда узи-кесил қарор шу йил декабры ойида Европа Иттифоқида аъзо бўлган мамлакатлар давлат ва ҳукумат раҳбарларининг мажлисида қабул қилинади.

Хитой Давлат кенгашининг раиси Ли Пан расмий ташриф билан Жанубий Кореяга келди. Бу ерда ҳар икки давлат ўртасида қатор ҳўжжатлар имзоланади.

Америка Қўшма Штатлари тарихида биринчи марта бу мамлакат қамқонларидеги маҳбуслар умумий сонини 1 миллион кишидан ортди. АҚШ ҳўзир умумий маҳбуслар сонини бўйича жаҳонда Россиядан сўнг иккинчи ўринни эгаллаб турибди.

АҚШнинг Индиана штатида маҳаллий йўналиш бўйича учаётган самолёт фалокатга учраши оқибатида 68 киши ҳалок бўлди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

О. Орфов, Н. Зокиров ва бошқаларни авф этиш тўғрисида

Маҳкумларнинг авф этиш тўғрисидаги илтимосномаларини, жамоат бирлашмаларининг мажкур илтимосномаларига оид ташкилларнинг кўриб чиқиб ҳақда уларнинг содир этган жиноятларидан пушаймонликларини, келажакда уларнинг ҳалол меҳнатлари билан жамаиятга хизмат қилиш ҳақидаги истақларини, шунингдек, уларнинг оила аъзоларининг моддий ҳолатидан оғир аъволдорлигини эътиборга олиб, қўйидагилар авф этилиб, қазони ўташдан озод этилсин:

- 1. Орфов Отаазар
- 2. Зокиров Носир Идрисилевич
- 3. Окунов Пулатжон Алимович
- 4. Турсунов Имомжон
- 5. Умурзоқов Салават Хайруллаевич

Ўзбекистон Республикаси Президентини И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 1994 йил 1 ноябрь

СПОРТ

БИЛҲАЯРДА ҲАМ БИРИНЧИ

Бильярд ҳам спорт тури ҳисобланганини кўпчилик билмас керак. Тўғри, бу ўйин унчалик кенг оммашмаган, лекин яқин келажакда ушбу спорт тури катта нуфузга эришса ажаб эмас.

Москвада бильярд бўйича жаҳон чемпионати ўтказилмоқда. Унда МДХ давлатлари ва бошқа ҳоризий мамлакатлардан кўплаб моҳир бильярдчилар иштирок этишмоқда.

Республикаимиз номидан қатнашаётган 3 нафар вакилларимиздан бири Дмитрий Хан мажкур ўйинлар бўйича баҳслар натижасига кўра, мутлоқ голлибликни қўлга киритди. Мусобақалар давом этмоқда.

Бир сўз билан айтганда бу йил туманимиз аҳли ўртасида "Тошкент оқшом" учун бўлганлар сонини ўтган йилга нисбатан бир неча баробар ортди.

Мақсад ОРНОВ, Бобур ХАЛИЛОВ.

25 декабрь — Олий Мажлис ва маҳаллий кенгашларга сайловлар кун

ДЕМОКРАТИК НЕГИЗЛАРГА АСОСЛАНИБ

Ўзбекистон Конституциясининг 32-моддасига асосан "Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини-ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади".

Республикада ўтказилаётган сиёсий-ҳуқуқий ислохотнинг туб моҳияти ва мазмуни давлат мустақиллигига эришиш ҳамда уни мустақиллашдан ташқари демократияни, халқ ҳокимиятини ҳар тарафлама кенгайтириш ва чуқурлаштиришдир.

Кўп йиллик тажриба шуни кўрсатадики, давлат ҳокимиятининг вакиллик органи демократизм кўп жиҳатдан уни сайлаш тартиби билан белгиланади. Бу ўринда сайловлар қандай ташкил этилиши, кенг омма номзодларни кўрсатиш ва муҳокама этишда қандай ҳуқуқ ва имкониятларга эга эканлиги, сайловчилар овоз беришда ўз иродаларини қанчалик эркин ифода этиши мумкинлиги каби омиллар муҳим аҳамиятга эга.

Сайлов тўғрисидаги Қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Президентининг сайлови, Олий Мажлиси ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатлар сайлови умумий-дир. Яъни Ўзбекистон Республикасининг сайлов кунига 18 ёшга тулган фуқаролар сайлаш ҳуқуқига эгадирлар.

Олий Мажлисга сайланиш ҳуқуқига сайлов кунига 25 ёшга тулган, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига эса сайлов кунига 21 ёшга тулган Ўзбекистон фуқаролари эгадирлар.

Фақат суд томонидан муомалага лавазис деб топилган фуқаролар, шунингдек, суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланган шахслар сайланиш мумкин эмас ва сайловда қатнашмайди.

Республикада сайлов тизимининг демократик асосларидан яна бири сайловнинг тенглигидир. Ҳар бир фуқаро — сайловчи бир овозга эга.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий ва маънавий мансаби, ирқий ва миллий мансублиги, жинси, маълуоти, тили, динга муносабати, машғулоти ва турли ва ҳусусиятидан қатъи назар тенг сайлов ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикаси сайлов тизимининг демократик асосларидан яна бири — Олий Мажлис ва барча Кенгашларга депутатлар сайлови тўғрисида.

тўғри ўтказилишидир. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ҳамда сайловлар тўғрисидаги Қонунларга асосланиб, Ўзбекистон Президентини, Олий Мажлис депутатини, халқ депутатлари барча Кенгашларига депутатларни фуқаролар тўппа-тўғри, бевосита ўзлари сайлайдилар.

Бу тамойилнинг демократик ҳусусияти шундан иборатки, сайловчилар хоҳлаган номзодга овоз берадилар, кимни сайлаётганиларини, кимдан ҳисобот талаб қилиш, кимга муносабат этиш лозимлигини аниқ билиб оладилар. Сайловларнинг тўғридан-тўғри ва бевоситалиги депутат билан сайловчиларнинг алоқасини мустақиллашди ва депутатлар фаолиятини сайловчилар томонидан назорат қилиб туриш учун имкон яратди. Бу эса ўз навбатида депутатнинг сайловчилар олдидаги масъулиятини оширади.

Сайлов тўғрисидаги Қонунларга мувофиқ Ўзбекистон Президентини сайлаш, шунингдек, Олий Мажлис ва барча Кенгашларга депутатлар сайлаш яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Яъни сайловда эркин ва яширин овоз берилади, овоз берувчиларнинг хоҳиш-иродаси назорат қ

Одобнома

Ўзбекистон мустақилликка эришгач халқимиз орасида мардлик, жасурлик ва фидойилик фазилатлари тобора ўз қадр-қимматини топиб бораётгани сир эмас. Бундай ажойиб хислатлар замирида нималар ётади? "Одобнома"нинг бугунги саҳифасида ана шу ҳақда туркум материаллар ёритишга қарор қилдик.

• Эл бошига иш тушганда доимо йигитлар оёкка турган, Ватан ҳимоясига отланган. Уларга халқнинг чуқур ишончи, суйган ёрларнинг ваъдаси мададор бўлган. Чунки тугилиб ўтган юрта муҳаббат, унга ўз жонини фидо қилишдек мардлик туйғуси ҳамма замонларда ҳам улугланган. Акмал Икромов тумани мулоффа ишлари бўйича

қадриятларига кўра йигит кишининг ҳурмати, унинг жасурияти, жангу жадаллардаги мардлиги билан белгиланганлиги сабабли ана шу одат ханузгача сақланиб қолган бўлса керак. Бу фикрни тасдиқловчи тарихий мисоллар ҳам бисер. Маълумки, буюк бобокалонимиз Амир Темур катта саркарда бўлган. Гарчи у жангда кўроклик қилган ўз аскарларини

хонадондан урушга кетган йигит эл-юрт учун жангга кирган эди. Айтмоқчиманки, йигитларнинг мардлиги халқимиз орасида доимо ноёб фазилат сифатида ардоқланган.

— Сиз ҳарбий хизматга чакирин соҳасида 20 йилдан бундан ишлаб келётган экансиз. Бу давр мобайнида ҳар хил ҳолатлар, турли тоифадаги одамларни кўргансиз. Айтмоқчиманки, ҳозирги пайтда ёшлар Ватан хизматига кетяпти. Уларга тилакларингиз. — Ўз ҳаётини тажрибада шу нарсани жула

қўп кузатдимки, ҳарбий хизматни ўз вақтида ўтаб қайтган йигитлар ҳаётда ҳам ўз ўринларини осонлик билан топиб кетишмоқда. Ёшларнинг ҳарбий хизматга бўлган муносабатларини янада тўғри шакллантириш борасида ҳозирда асосан маҳаллалар ердаги таълимчилар. Кўпни кўрган, жангу жадаллар гувоҳи бўлган отахонларнинг ёшлар билан ўтказатган мардлик, юрта муҳаббат мавзуларидаги суҳбатлари, турли учрашувлар кутилган натижаларини бермоқда. Мен йигитлик бурчини ўташга жўнаётган йигитларимизга ҳарбий хизматни аёло даражада бажаришларини тилайман.

— Мардлик ҳақида гапирдингиз. Аввало оддий фуқаро сифатида, қолаверса, ҳарбий соҳа вакили сифатида мардлик тушунчасини қандай изоҳлаган бўлардингиз?

— Мардлик асли жула кенг тушунча. Масалан, емонлик қилган одамдан имкони бўлса-да қасос олмай уни кеҳириш ҳам мардлик. Ёқтирмаган одамга яхшилик қилиш эки енгилганликни тан олиш ҳам айтиш мардлик саналди. Ҳарбий соҳа киши сифатида шунинг айтиш мумкинки, мардлик биринчи навбатда ўз манфаатидан кўра юрт, халқ, Ватан манфаатини устун қўймоқ, эл тинчлигини таъминлаш учун ўз жонини гаровга тикмоқ, дегандир. Шуқри, бундай йигитларимиз элимиз ичидан жула кўп.

Суҳбатдош Абдумалик АБДУРАХМОНОВ.

Суннат ака кечки пайт газеталарнинг янги сонларини варақлаб ўтирган эди, девор-дармиён кўшини Латиф ака чақириб қолди.

— Суннатвой, хой Суннатвой, уйдимисиз? — Ие, Латиф ака, келинг, ака!

Ўн қўшним — жон қўшним

1945 йил, 13 январь. Кечкурун барча қисм ва бўлимларнинг командири қатори майор О. Ҳақимов ҳам дивизия штабига чакрилди.

— Яна бир неча соатдан сўнг Вислага ҳужум операциясини бошлашимиз. Бу 1-Белоруссия fronti қўмондониди маршал Г. К. Жуковнинг буйруғи, — деди генерал-майор М. М. Зайкин. — Висла дарёсидан биринчи бўлиб ўтиш 487-ўқчи полк таркибидagi майор О. Ҳақимов командири бўлган 2-батальон зиммасига тушди.

— Бизга ката ишонч билдирди, — жанговар вазифани тушунира бошладиган батальон командири. — Батальонимиз Висла дарёсидан биринчи бўлиб ўтиши керак. Бу операция эртага тоғ отарда артиллерия тайёргарлиги туғати билан бошланади.


Эрта тонг. Батальон, рота, взвод ва бўлим командирларининг жанговар даъватлари янгради.

Бир дақиқа ҳам ўтмай, душман траншеяларида жанг қизиқ кетди. Батальон жангчилари мардонавор курашиб, дарё томон яқин бордилар.

Фашистлар гарбий кирғокдан дарёга барча қурол турларидан ўт очиди. Уруш Қаҳрамони Башкиров дарёдан биринчи бўлиб кечиб ўта бошладиган. Унинг оқсидан бутун батальон эргашди.

Бир дақиқа ўтар-ўтмас улар дарёнинг ўнг қирғоғида жангчи бошлаб юбордилар. Гитлерчилар қаттиқ қаршилиқ кўрсатишарди.

Рўй берган қулай вазиятдан фойдаланган батальон қишлоққа



Куз фаслининг ҳаловатли соқилини шаҳримизнинг сершовкин кўчаларида ҳам ўзини намойиш этади. Инсон дилини эгалловчи маъволик хисси бу палла учун хос бўлган фазилат. Бундай кайфият айниқса пойтахтимизнинг Ҳамид Олимжон номи майдони бўйлаб келади. Гарчи ҳаёт бирдай давом этаверса ҳам табиат ўзининг гўзал, тароватли либосини хар лаҳза, хар дақиқа ўзгартираверади. Уни сезиш учун дунёга қалб кўзи билан боқиш кифоя.

Миртемир Қодиров олган сурат.

ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

УСМОН НОСИР КЎЧАСИДАГИ — 90, 92, 94, 96, 98, 100, 102, 104, 106, 108, 110, 112-уйлар, Раскова, Жамбул кўчалари, тор кўчалари билан, ЯКОВЛЕВ, МИНИН-ПОЖАРСКИЙ кўчаларида

алока иншоотларининг капитал таъмирланиши муносабати билан

53-АТС АБОНЕНТЛАРИДА 15 НОЯБРГАЧА

ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ БЎЛМАЙДИ

Вактинчалик ноқулайликлар учун узор сўраймиз.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИ ВА РАДИОЛАШТИРИШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ.

"Тошмуҳандисқурилиш" трестига доимий ишга

электр пайвандчилар, қувур ётқизувчи машина, экскаватор, бульдозерларнинг машинистлари